

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**НУГМАНОВА УМИДАХОН ТАХИРОВНА**

**ОҚСИЛ БИЛАН ОЗИҚЛАНИШДА МЕЪДА ВА ИНГИЧКА ИЧАҚДА  
АДАПТАЦИЯ ЖАРАЁНИНИНГ СТРУКТУР АСОСЛАРИ**

**14.00.02 – Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Нугманова Умидахон Тахировна**

Оқсил билан озикланишда меъда ва ингичка ичакда  
адаптация жараёнининг структур асослари ..... 3

**Нугманова Умидахон Тахировна**

Структурные основы адаптации желудка и тонкой  
кишки при белковом питании..... 23

**Nugmanova Umidakhon Takhirovna**

Structural basis of adaptation of stomach and thin  
intestines at albuminous feed..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 46

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**НУГМАНОВА УМИДАХОН ТАХИРОВНА**

**ОҚСИЛ БИЛАН ОЗИҚЛАНИШДА МЕЪДА ВА ИНГИЧКА ИЧАҚДА  
АДАПТАЦИЯ ЖАРАЁНИНИНГ СТРУКТУР АСОСЛАРИ**

**14.00.02 – Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Tib238 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Юлдашев Акрам Юлдашевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Миршарипов Ўткир Миршарипович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Гулямов Нариман Гулямович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашида 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 1-ўқув биноси, 4-қават мажлислар зали. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси, «Б» қанот, 1-қават, 7-хона. Тел./Факс: (+99871) 150-78-14.).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г. И. Шайхова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н. Ж. Эрматов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**У.М. Миршарипов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда текширувлар натижасида номутаносиб овқатланиш аъзо ва тизимларда мослашув билан боғлиқ адаптацион структур-функционал ўзгаришларга олиб келиши, аъзо ва тизимлар касалликларининг ривожланиш сабабчисига айланмоқда. Адаптация ва гомеостаз бошқаруви муаммоларига бағишланган тажрибавий ва клиник тадқиқотлар аъзо ва тизимлар, умуман олганда организмнинг шаклланиши, меъёр ва табиий физиологик шароитларда фаолият юритиши, шунингдек, функционал тизимларда «ғалаён» кўтарувчи турли омилларнинг асосий таъсир механизмларини ёритиш имконини берди. Жумладан, илк постнатал онтогенезда табиий ва сунъий овқатланиш, яллиғланиш ва яра касаллиги, инфекция ва ноинфекцион таъсирлар, турли хирургик аралашувларда меъда-ичак трактининг структур-функционал ўзгаришлари ўрганилган. Шу билан бир вақтда, миқдор ва сифат жиҳатдан хилма-хил овқатланиш шароитида ҳазм тизими аъзоларининг физиологик тадқиқотлари бўйича ишлар кўп бўлишига қарамай, динамикада ички аъзоларнинг тузилиши ва вазифасига бағишланган ишлар нисбатан кам эканлигини ва бугунги кунда ўрганиш зарур муаммолардан бири эканлигини таъкидлайди<sup>1</sup>. Гарчанд, таомнинг ингредиент таркиби ва ундаги ҳазмланиш жараёнида иштирок этувчи мавжуд микрофлора туфайли ҳар бир овқатланиш организмнинг ички муҳити доимийлигини бузилишига олиб келувчи ҳақиқий хавфни туғдирар экан, мослашув ва гомеостазни бошқариш жараёнида ҳазм тизими аъзоларининг структур асослари ва интеграцияси механизмларига бағишланган ишлар етарли даражада эмас. Номутаносиб овқатланишда меъда ва ингичка ичакда морфологик ва морфометрик тадқиқотлар асос ҳисобланади. Мослашиш ва гомеостазни бошқаришнинг структур-функционал механизмларини аниқлаш, тўғри, мутаносиб овқатланиш, мазкур ҳолат бузилганда уни тўғрилаш бўйича тавсияларнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш имконини беради. Аҳоли орасида соғлом овқатланишнинг бузилиши натижасида келиб чиқадиган организмнинг функционал тизимларидаги мослашув механизмларини ўрганиш ҳамда шу орқали салбий асоратларни олдини олиш, эрта ташхислаш ва самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиш тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда оқсил билан озиқланишда меъда ва ингичка ичакда адаптация жараёнининг структур асослари эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, мутаносиб ва номутаносиб оқсил билан овқатланиш шароитида меъда фундал қисмининг структур ва морфометрик хусусиятларини ўрганиш; мутаносиб ва номутаносиб оқсил билан овқатланиш шароитида бўлган каламушлар ингичка ичагининг структур ва морфометрик хусусиятларини ўрганиш; номутаносиб овқатланиш шароитида мослашув ва гомеостазни бошқариш

---

<sup>1</sup> Клод Бернар, Бергаланфи, Павлов И.П., Ухтомский Н.Н., Анохин П.К., Судаков К.В., Серов В.В., Давыдовский И.В., Уголев А.М., Климов П.К., Саркисов Д.С., Юнусов А.Ю., Зуфаров К.А. ва бошқ.

динамикасида меъда ва ингичка ичакдаги функционал тизимларнинг ўзаро алоқаларига оид морфологик эквивалентни аниқлаш; ҳазм қилиш тизими патологиясини келтирувчи ҳавfli омилларни олдини олиш тизимини ишлаб чиқиш, ҳазм қилиш тизими асоратлари камайтиришга қаратилган алгоритмни ишлаб чиқиш, аҳоли соғлиғи ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда биосфера объектларининг ифлосланиш манбалари, нотўғри ва нораціонал овқатланиш орқали келиб чиқадиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларни камайтиришга алоҳида эътибор қаратилишига қарамасдан, аҳолининг турли қатламлари орасида оқсилли овқатланишнинг издан чиқиши, унинг оқибатида ривожланадиган касалликлар, ушбу касалликларни аниқлаш, эрта ташхислаш ва даволаш натижасида охириги ўн йилликда оналар ўлимини 3,2 мартага, болалар ўлимини эса 3,1 баробар камайтиришга эришилишига қарамасдан оқсилли овқатланишнинг етишмаслиги етарлича ўрганилмаганлиги туфайли, салбий таъсир оқибатида келиб чиқадиган турли касалликларни олдини олиш ва камайтириш борасида анчагина муаммолар мавжуд. Шу боисдан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши ҳаракатлар стратегиясига «...мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда муҳим вазифалар, жумладан, молекуляр-генетик омилларни ўрганиш асосида оқсилли овқатланиш тартибининг бузилиши натижасида ҳазм қилиш тизимининг морфологик структур бузилишининг юзага келиши морфологик баҳолаш ва даволашнинг янги услубларини ишлаб чиқишга қаратилган замонавий технологияларни қўллашни кенгайтириш орқали юқори малакали, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш»<sup>2</sup> аҳолининг турли қатламлари орасида ҳаёт сифатини оширишда муайян аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва ҳавфсизлиги», «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ–1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чоралари ҳақида»ги, 2014 йил ПҚ–2221-сон «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиш устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Овқат ҳазм қилиш-транспорт конвейери, ички аъзоларнинг меъёрада фаолият юритиши, мослашув ва гомеостазни бошқариши, меъёр ва турли таъсирларда организм функционал тизимларининг ўзаро алоқасини таъминлаши учун ҳазм ва сўриш жараёни ҳақидаги тасаввурлар И.А. Павлов, Г.К. Шлыгин, А.М. Уголев, П.К. Анохин, К.А. Зуфаров ва бошқа тадқиқотчиларнинг классик ишлари асосида шаклланган. Бироқ, алоҳида оқсил, ёғ ва карбонсувлар қабул қилинган шароитда меъда-ичак тракти аъзолари фаолиятининг морфологик эквиваленти охиригача ўрганилмаган. Оқсилларнинг организм учун аҳамияти, уларнинг парчаланмай қонга тушган вақтидаги антигенлик хавфи, озиқ-овқат аллергияси билан беморлар сонининг кўпайиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда оқсилларнинг ҳазм ва сўрилишини ўзига хослиги, динамикада узоқ муддат оқсил қабул қилинганда тизимларининг ўзаро алоқаларини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистонда номутоносиб овқатланиш, овқатланиш тартибининг бузилиш ва унинг гигиеник меъёрларга мос келмаслигида оқсиллар, ёғлар, карбонсувлар, минерал ва витаминларнинг меъерий даражаси пастлиги олимларимизнинг қатор ишларида исботланган (Г.И.Шайхова 2011, 2015, 2017; Ф.И.Саломова 2009, 2011; Н.Ж.Эрматов 2008, 2015; 2017; 2018; Б.Б.Рахимов, 2015; 2016). Меъда-ичак трактидаги ўзаро функционал алоқалари, овқат рационини такомиллаштириши, озиқ-овқат аллергиясини олдини олиш учун ҳазм қилиш аъзоларини муносабатлари, шунингдек, турли ёшда динамикада уларнинг фаолиятини оптимал бошқариш механизмларини аниқлаш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Функционал тизимнинг айрим аъзоларидаги ҳазм жараёнининг структур асосларини ёритилиши ичак найининг кенг тарқалган касалликларини олдини олиш, патогенетик асосланган даволаш мумкин.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг «Постнатал онтогенезда иммун, эндокрин, ҳазм ва айирув тизимларини адаптация-сиясини морфологик асосларини ўрганиш» мавзуси (2014-2019 йй.) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** оқсил билан нораціонал овқатланишда меъда ва ингичка ичакнинг шиллиқ пардасидаги мослашувнинг структур-функционал механизмларини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мутаносиб ва номутоносиб оқсил билан овқатланиш шароитида бўлган каламушларни меъда фундали қисмининг структур ва морфометрик хусусиятларини ўрганиш;

мутаносиб ва номутоносиб оқсил билан овқатланиш шароитида бўлган каламушларни ингичка ичакнинг структур ва морфометрик хусусиятларини ўрганиш;

номутаносиб овқатланиш шароитида мослашув ва гомеостазни бошқариш динамикасида меъда ва ингичка ичакдаги функционал тизимларнинг ўзаро алоқаларини морфологик эквивалентини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида тана вазни 120-140 г бўлган, оқ, зотсиз эркак каламушларнинг 2 гуруҳи хизмат қилди: I (назорат, n=12), лаборатория шароитида мутаносиб тартибда озиклантирилган; II (тажриба, n=75) – номутаносиб, фақат оқсил билан озиклантирилган (қунига 100 г қайнаган сувда эритилган 20,0 г тухум альбумини). Тадқиқот муддатлари 1, 3, 7, 15, 30 кун давомида озиклантирилган сўнг меъда ва ичак тўқимаси олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** турли шароитларда озиклантирилган тажриба ҳайвонларнинг меъданинг фундал қисми ва ингичка ичакнинг морфологик кўрсаткичлари ўрганилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эриши учун ишда ёруғлик микроскопия, трансмиссион электрон микроскопия, морфометрия, иммуногистохимёвий ва статистик усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

норационал оқсилли овқатланиш натижасида меъдани структур функционал бирлигида, яъни қопловчи-чуқурча безли эпителийси, хусусий қатлами, меъданининг париетал, асосий ва қўшимча хужайраларнинг топография, ультраструктурасида ўзгаришлар аниқланган;

тажриба динамикасида меъдани шиллиқ қавати аста-секин атрофияга учрайди. Ингичка ичакда ҳам атрофиянинг ривожланиши, крипта ва сўрғичларни ихтисослашган эпителиал хужайраларнинг ўзаро муносабати ўзгаради;

норационал овқатланишда бириктирувчи тўқима ва қон томирларнинг микроциркулятор тизими эпителиал хужайраларининг структур-функционал ўзгаришлари ўзаро боғлиқлиги исботланган;

меъда ва ичакдаги структур ўзгаришлар адаптацион бўлиб, бир бирига боғлиқ бўлган функционал тизимларни реакциясини ифодасидир.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

турли овқатланиш шароитида меъда ва ингичка ичакни функционал тизимларининг фаолияти ўзаро боғлиқлиғи илмий асосланган;

бир турдаги номутаносиб овқатланишда ҳазм қилиш тизимининг структур-функционал шикастларини олдини олиш усуллари назарий асосланган;

овқат таъсирида меъда ва ингичка ичакдаги шикастланиш, тикланиш тизимли эканлигини асосланган;

амалда меъда ва ингичка ичакда юзага келган касалликларни даволаш, реабилитация ва олдини олишда аъзоларни тизимли боғлиқлиғини кўрсатган;

амалга оширилган тадқиқот натижалари гастроэнтерология амалиётида аъзоларнинг тизимли боғлиқлиғини ва организмга таъсир кўрсатишини исботлаган.



**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган замонавий, бир-бирини тўлдирувчи морфологик, морфометрик, электрон-микроскопик, иммуно-гистокимёвий ва статистик усуллари, ҳамда тажриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги билан тасдиқланади. Оқсил билан озикланишда меъда ва ингичка ичакда адаптация жараёнининг структур асослари бўйича олинган натижаларининг ишончлилиги, хусусиятли қонуниятлари асосида турли усулларни қўлланилгани, хулоса ва олинган натижаларнинг хорижий ва маҳаллий тадқиқот натижалари билан солиштирилиб, ваколатли анжуманлар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти меъданинг фундамента қисмида ва ингичка ичакнинг шиллик қаватида структур-функционал мослашиш тизими, ўзаро боғлиқ, озикланишга боғлиқ модели яратилган. Морфологик (ёруғлик ва электрон-микроскопик ва морфометрик) тадқиқот натижалари асосида хужайралараро, тўқималараро, органлараро ўзгаришларининг тизими, бир вақтда рўй бериши кўрсатилган. Тадқиқотни амалий аҳамияти меъда ва ичакда кузатиладиган салбий мослашувлар мутаносиб озикланиш, пре- ва пробиотиклар, ферментлар танлаб самарали даволаш ва гастроэнтерологик касалликларни олдини олиш мумкинлигида. Озикланиш таъсирида турли мослашув жараёнларнинг қонуниятларини ўрганиш туфайли индивидуал ривожланишнинг турли босқичларида рўй берадиган айрим атопик ва бошқа касалликларни механизмини аниқлашга имконият беради, ҳамда уларни олдини олиш, патогенетик асосланган даволашини таъминлайди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** Оқсил билан озикланишда меъда ва ингичка ичакда адаптация жараёнининг структур асослари бўйича олинган натижалар асосида:

оқсилли озикланишда меъда ва ингичка ичакнинг структур-функционал мослашув жараёнини ўрганиш асосида «Ҳазм қилиш аъзолари касалликлари билан хасталаган беморларнинг овқатланишини оптималлаштириш» услубий тавсияномаси яратилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 10 октябрдаги 8н-д/31-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома номутаносиб, меъерий даражада бўлмаган овқат меъда ва ингичка ичак шиллик қаватидаги структур-функционал ўзгаришлар атрофияга сабаб бўлишини асослаб берди, норационал озикланишнинг салбий таъсирини олдини олишга ва профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишга асос бўлди;

оқсил билан озикланишда меъда ва ингичка ичакда кузатилган структур-функционал адаптация жараёнининг асослари соғлиқни сақлаш амалиётида, Тошкент тиббиёт академия ва Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг марказий илмий тадқиқот лабораторияларида, морфологик йўналишлардаги кафедраларда ўқув жараёнда жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 14 декабрдаги 8н-3/54-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши номутаносиб овқатланиш ҳазм қилиш тизими органларининг касалликлари, меъда ва ингичка ичакни шиллик қаватининг атрофияга олиб келишини олдини олиш

учун мутаносиблаштирилган нутриент терапияни ишлаб чиқишга асос бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 10 та илмий иш, шундан 5 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ҳозирги даврда нутрициология ва функционал тизимлар назариясининг бир-бирига боғлиқлигининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шундай қилиб, тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда меъда ва ингичка ичак функционал тизимининг ўзига хослиги, ҳазм қилиш ва сўриш жараёнини динамик ҳамда ўзаро бир-бирига боғлиқ кечувчи ягона эканлиги, меъда ва ичакдаги озиқланишнинг ўзгаришини ўрганиш усулларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг «**Оқсил билан озиқланишда меъда ва ингичка ичакда адаптация жараёнининг структур асосларининг ўрганиш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тажриба характери, тадқиқот усуллари (ёруғлик ва электронмикроскопия, гистокимё, морфометрия) баён этилган. Тадқиқот Тошкент стоматология институтининг гистология ва тиббий биология кафедраси ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг марказий илмий-тадқиқот лабораториясида бажарилган.

Тадқиқотлар вазни 120-140 г бўлган оқ зотсиз эркак каламушларда (n=87) ўтказилган. Мазкур каламушлар 2 гуруҳга бўлинган: 1 (назорат) –

рационал лаборатор овқатланиш; 2. (тажриба) – норационал оқсилли овқатланиш (кунига 100 г қайнатилган сувда эритилган 20 г тухум оқсилли эритмаси); тадқиқот муддатлари: тажриба бошлангандан сўнг - 1, 3, 7, 15 ва 30 кун. Тажриба гуруҳида тадқиқотнинг ҳар бир муддатида 6-12 каламуш жонсизлантирилди. Олдинги қорин девори кесилгандан сўнг меъда ва бутун ингичка ичак эҳтиёткорлик билан ажратиб олинди. Меъданинг фундал бўлими, ингичка ичакнинг 12 бармоқли, оч ва ёнбош бўлимларини ўрта қисми гистологик ўрганилди. Морфометрик тадқиқотлар «Интеграл – 2А» (Россия) ярмаавтомат анализатори ёрдамида гематоксилин ва эозин билан бўялган кесмаларда амалга оширилди. Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар статистик ишлов Microsoft Office Excel – 2012 дастурий пакети ёрдамида Pentium–IV компютерида бажарилди. Мофометрик кўрсаткичнинг ўртача арифметик қиймати (M), ўртача қийматнинг стандарт хатоси (m), нисбий кўрсаткичларини (%) аниқлашда вариацион статистика усуллари қўлланилди. Ўртача қийматларни қиёслаш натижасида олинган кўрсаткичларнинг статистик аҳамияти хато эҳтимоли (P)ни ва бош дисперсиялар тенглиги (F – Фишер мезони)ни ҳисоблаган ҳолда Стьюдент (t) мезони бўйича аниқланди. Ишончлилик даражаси  $P < 0,05$ га тенг кўрсаткичлар статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинди.

Диссертациянинг **«Мутаносиб ва номутаносиб оқсилли овқатланишда меъданинг фундал бўлимининг структур ўзига хослиги»** деб номланган учинчи бобида ҳайвонлар оқсилли овқатланишга ўтказилгандан сўнг бир кун ўтгач оч қоринда меъда бўшлиғида 12-бармоқли ичакка ўтмаган денатурацияланган оз миқдорда оқсил аниқланди. Ультраструктураси бўйича назорат ва тажриба гуруҳ ҳайвонлари меъдасининг қопловчи-чуқурча эпителийсида кўринарли фарқлар аниқланмади, чуқурчаларнинг чуқурлиги гуруҳлар бўйича мос равишда  $130 \pm 6,4$  ва  $136 \pm 8,5$  мкм ни ташкил этди ( $P > 0,05$ ; 1-жадвал). Қопловчи эпителий хужайралари орасида турли даражада одатдаги тузилишга эга лимфоцитлар жойлашади. Лейкоцитларнинг бошқа турлари мавжуд эмас.

Назорат ва тажриба гуруҳларида шиллиқ парданинг қалинлиги  $540 \pm 10,4$  ва  $545 \pm 11,6$  мкм га тенг бўлган ҳолда ( $P > 0,05$ ), таққосланувчи гуруҳларда безли найнинг узунлиги ҳам ишончли фарқ қилмайди ва мос равишда  $405 \pm 8,5$  ва  $408 \pm 9,8$  мкм (1-жадвал,  $P > 0,05$ )ни ташкил этади. Фундал безларнинг ингичка цилиндрсимон найлари бир бирига зич жойлашади, сийрак бириктирувчи тўқиманинг юпқа қатламлари ва микроциркулятор тизим капиллярлари билан бир-биридан ажралади.

Ҳайвонлар оқсилли овқатланишга ўтказилгандан сўнг 3 кун ўтгач, чуқурча эпителийсидаги хужайралар сони назорат гуруҳига нисбатан ўртача 13,5%га камайди ( $P > 0,05$ ). Қопловчи-чуқурча эпителий хужайралари паст цилиндрсимон шаклга эга бўлди. Меъданинг фундал қисми без найларининг узунлиги деярли ўзгармай  $410 \pm 28,5$  мкм ни ташкил қилди. Назорат ҳайвонлари меъдасининг без найларига нисбатан у гуруҳларга мос равишда 9,8 ва 28,5 мкм га фарқ қилди.


Оқсилли овқатланишнинг турли муддатларида меъданинг фундал қисми морфометрик кўрсаткичлари динамикаси ( $M \pm m$ ;  $n=6$ )

Тузилма кўрсаткичлари	Назорат	Оқсилли овқатланиш, суткалар					
		1	3	7	15	30	
Шиллик парда қалинлиги, мкм	540±10,4	545±11,6	530±17,8	420±24,0***	330±26,0***	287±24,0***	
Безли най узунлиги, мкм	405±8,5	408±9,8	410±28,5	315±26,2**	242±16,5***	203±18,2***	
Чуқурчанинг чуқурлиги, мкм	130±6,4	136±8,5	120±10,6	106±11,2	90±10,4**	86±8,40***	
Юза-чуқурча	8,4±0,42	8,20±0,80	6,21±0,41***	5,20±0,42***	4,83±0,36***	3,81±0,24***	
	24,3±1,41	18,7±1,51	13,2±1,20***	15,1±1,10***	16,9±1,20**	15,0±0,94***	
Париятал	11,0±0,80	13,7±0,90*	16,4±1,20***	12,2±1,01	11,2±0,80	10,2±0,41	
	31,8±1,62	31,3±1,72	39,9±1,81***	35,4±1,20	39,3±1,12**	40,2±1,20**	
Кўшимча	1,32±0,22	1,91±0,30	3,22±0,40***	4,60±0,33***	4,02±0,28***	3,82±0,40***	
	3,80±0,31%	4,32±0,34	6,85±0,35***	13,3±0,32	14,1±0,30***	15,4±0,28***	
Бош	13,8±0,81	16,7±1,21*	18,4±1,02**	14,7±0,82	10,6±0,68**	8,2±0,48***	
	40,0±1,80%	38,1±2,60	39,1±1,20	42,6±1,92	37,2±1,84	32,3±1,82**	
Қийин дифференциалланувчи	-	3,30±0,54	3,51±0,30	3,02±0,28	2,81±0,26	3,23±0,31	
	-	7,53±0,42	7,47±0,22	8,66±0,20	9,80±0,20	12,72±0,21	
Шиллик ости парда қалинлиги, мкм	45,2±2,83	48,4±2,62	42,8±2,72	34,6±4,20***	30,4±2,70**	26,3±1,18***	
Мушак парда қалинлиги, мкм	460±38	455±36	464±38	402±30	369±28**	290±21**	

Изох: \* - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамияти (\*- $P<0,05$ , \*\* -  $P<0,01$ , \*\*\*-  $P<0,001$ )

Бир вақтнинг ўзида тажриба ҳайвонларида ҳар бир без найида эпителий ҳужайралари ўртача сони назорат гуруҳига нисбатан 13,3% кўпроқ аниқланди. Тажрибада без ҳужайраларининг алоҳида турлари дифференциал саналганда асосан париетал (12,4%) ва бош ҳужайраларнинг нисбий ва абсолют сонининг ошиши, қўшимча ҳужайралар сонининг ўртача 12,7%га камайиши қайд этилди. Бу қонуниятга асосланган: қўшимча ҳужайралардан бош ҳужайралар дифференциаллашади. Қайд этиб ўтиш лозимки, тажрибанинг 3 кунига келиб, безларда ёруғлик микроскопида қандайдир бир махсус ҳужайралар турига киритиш қийин бўлган ҳужайралар пайдо бўлди, уларнинг сони чуқурча ва безларнинг умумий эпителий ҳужайралари сонининг  $7,47 \pm 0,22\%$  ни ташкил қилди. Номутаносиб оқсилли овқатланиш меъда фундал бўлимининг структур-функционал тизимида чуқурча, париетал, бош ва қўшимча ҳужайраларнинг абсолют ва нисбий сони топографиясида маълум ўзгаришларни чақиради. Бундай ўзгаришни овқатланишнинг янги турига нисбатан мослашишнинг морфологик эквиваленти сифатида баҳолаш мумкин.

Агар оқсилли озиклантириш давом эттирилса, тажрибанинг 7-кунида дастлабки кўрсаткичга нисбатан шиллик, шиллик ости ва мушак пардаларнинг мос равишда ўртача 23, 23 ва 13% юққалашуви қайд этилди (1-расм).



**1-расм.** 7-кунида нораціонал (оқсилли) овқатланган каламуш меъдасининг фундал бўлими шиллик пардаси. Гематоксилин ва эозин билан бўялган. Ок. 10, об. 10

Меъданинг чуқурча ва безли найдан иборат шиллик пардасининг қалинлиги нотекис кичрайди: чуқурча-без индекси (чуқурча узунлигининг без узунлигига нисбати) 1:3 га тенг. Чуқурча-без эпителий ҳужайралари индекси 1:7 ни ташкил қилади. Назорат ҳайвонларида мазкур индекс 1:3 га тенг. Фундал безда қўшимча ҳужайралар сонининг тажрибанинг олдинги муддатига нисбатан 3,5 марта ишончли ошишида париетал ( $P < 0,05$ ) ва бош ( $P < 0,05$ ) ҳужайралар сонининг камайиши, улар топографиясининг ўзгариши қайд этилди. Бош ҳужайралар асосан безнинг ўрта қисмида, париетал ҳужайралар туб қисмида жойлашди. Париетал ҳужайраларнинг 20% безнинг юқори ва бўйин қисмида аниқланди. Айрим париетал ҳужайралар меъда чуқурчалари тубида аниқланиши мумкин. Қўшимча ҳужайралар қисман безнинг юқори қисмида, энг кўп бўйин соҳасида жойлашади. Қийин



дифференциалланувчи эпителий хужайралари кўпинча безнинг тубида, камдан кам ҳолда танаси бўйлаб жойлашади. Тажрибанинг 7 кунни фундал безлар сони шиллик парданинг узунлик бирлигига нисбатан назорат гуруҳиникидан ишончли кам бўлди.

Ҳайвонлар оксилли овқатланишга ўтказилгандан сўнг 15 кун ўтгач, гистологик текширувларда юза-чуқурча эпителийсида кучли экструзия билан ярали соҳалар аниқланди. Шиллик парданинг қалинлиги назорат гуруҳи ва тажрибанинг олдинги муддатларига нисбатан мос равишда ишончли ўртача 34 ва 21% юққалашди ( $P < 0,05$ ). Шиллик парданинг юққалашуви асосан фундал безларнинг зичлиги ва узунлигини жадал камайиши натижасида юзага келди. Фундал безларнинг узунлиги назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ўртача 40% камайди. Иккинчи ҳафта (7-15 кунлар орасида) давомида фундал безларнинг узунлиги ўртача 25% кичрайди. Чуқурчалар яссиланиши давом этди, лекин жадал эмас: тажриба давомида уларнинг чуқурлиги ўртача 30%га камайди. Без-чуқурча индекси 2,7:1га тенг бўлди.

Чуқурчаларда эпителий хужайраларининг сони назоратга нисбатан ўртача 43%га камайди. Эпителий хужайралари орасида қопловчи эпителий кўпроқ, чуқурча хужайралари – кам; турли даражаларда лимфоцитлар, камдан-кам лейкоцитларнинг бошқа турлари аниқланади. Фундал безларда эпителий хужайраларининг сони ишончли камаймайди, бироқ уларнинг топографияси ва нисбати ўзгаради. Париетал хужайралар сони назорат гуруҳидаги каби бўлсада, бош хужайраларнинг сони тажрибанинг 15 суткасига келиб ўртача 23%га камайди ( $P < 0,05$ ). Қўшимча хужайралар сони худди тажрибанинг олдинги муддатидаги сингари назорат ҳайвонлариникига нисбатан 3 марта кўп. Умумморфологик ва гистокимёвий усулларда аниқланган қийин дифференциалланувчи хужайралар сони бутун тажриба давомида ўзгармади.

Тажриба бошлангандан сўнг 15 кундан кейин меъданинг фундал қисми шиллик пардаси атрофияси тажрибанинг олдинги муддатларига нисбатан кучлироқ ривожланди. Бу юза-чуқурча индекси, безли хужайраларнинг нисбати ва топографиясининг ўзгариши билан ифодаланди. Юза-чуқурча эпителийсининг экструзияси, строма ва эпителийнинг бириктирувчи тўқима хужайралари билан инфилтрацияси кучлироқ ривожланган.

Тадқиқотнинг узок муддати (30 кун) меъда юзасида шилликнинг юққа қатлами аниқланди. Тажрибанинг бошида шиллик, шиллик ости ва мушак пардаларнинг қалинлиги мос равишда  $540 \pm 10,4$ ,  $45,2 \pm 2,8$  ва  $460 \pm 38$  мкм ни ташкил қилган бўлса, 30-кунга келиб мазкур кўрсаткич мос равишда  $287 \pm 24$ ,  $26,3 \pm 1,18$  ва  $290 \pm 21$  мкм га тенг бўлди, яъни шиллик, шиллик ости ва мушак пардалар мос равишда ўртача 46,42 ва 37% га юққалашди.

Фундал без бўйлаб без хужайраларининг турлари, шунингдек жойлашуви таҳлил қилинганда, уларнинг жойлашиш соҳалари ва бош хужайралар сонининг камайиши қайд этилди; қўшимча хужайралар сони ўртача 3 марта ошди. Агар юза-чуқурча эпителийсида париетал хужайралар 60%га камайган бўлса, бош хужайралар сонининг камайиши 40%ни ташкил

этди. Юза-чукурча эпителий хужайралари индекси 1:6,8 ни ташкил қилди, яъни 15 кун ичида деярли ўзгармади.

Шундай қилиб, каламушларни оқсил билан номутаносиб овқатлантириш тажриба динамикасида меъда деворининг барча пардаларида уларнинг атрофияси билан ифодаланувчи структур ўзгаришларни чақиради. Шиллик пардада меъданинг асосий функциясини таъминловчи бош ва париетал хужайраларнинг топографияси, нисбати ва ультрасруктурасида сезиларли ўзгаришлар юзага келади ва гарчанд, улар нотўғри овқатланиш, гомеостаз бошқарувининг бузилиши билан боғлиқ адаптив ўзгаришлар бўлсада, ҳазм килиш ва сўрилишнинг функционал тизими даражасида қайд этилган мазкур структур ўзгаришлар турли аъзо ва тизимлар касалликларининг сабабчисига айланиши мумкин. Меъданинг фундаал қисми шиллик пардасининг юза-чукурча эпителийсидан безларнинг туб қисмигача кетма-кет олинган йўналтирилган кесмаларида сийрак бириктирувчи тўқима хужайраларининг зичлиги ва топографиясини фарқланиши аниқланди.

Чукурчалар ва безлар орасида кўпинча плазматик хужайралар аниқланди (мос равишда  $37,1 \pm 1,86\%$  ва  $31,6 \pm 2,32\%$ ,  $(P < 0,05)$ ); мос равишда лимфоцитларнинг улуши  $16,3 \pm 1,62$  ва  $12,1 \pm 1,48\%$  га тенг ( $P < 0,05$ ). Ретикуляр хужайралар кўпинча юза-чукурча ва безли эпителий остида жойлашади (мос равишда  $2,42 \pm 0,25$  ва  $2,50 \pm 0,19\%$ ,  $P > 0,05$ ). Худди шундай фибробластлар ва фиброцитлар ( $3,41 \pm 0,43$  ва  $4,33 \pm 0,30$ ;  $P < 0,05$ ), семиз хужайралар ( $1,18 \pm 0,52$  ва  $0,86 \pm 0,08$ ;  $P < 0,05$ ), макрофаглар ( $2,16 \pm 0,29$  ва  $0,91 \pm 0,27$ ;  $P < 0,05$ ).

Ингичка ичак шиллик пардасининг структур-функционал бирлиги крипта-ворсинкадир. Каламушларда ворсинкаларнинг баландлиги, кенглиги ва шакли нафақат унинг ўрганилган бўлими, балки бутун аъзо бўйлаб ўзгаради: узунлиги - 200 дан 1000 мкм, кенглиги – 90 дан 130 мкм гача. Ингичка ичакнинг 12-бармоқли, оч ва ёнбош қисмларида ворсинкаларнинг баландлиги мос равишда  $570 \pm 35$ ,  $615 \pm 29$  ва  $315 \pm 18$  мкм ни ташкил қилди. Аъзонинг проксимал қисмида унинг дистал қисмига нисбатан ворсинкаларнинг баландлиги ўзгарувчан. Масалан, оч ичакда барча ворсинкаларнинг 35% 700-1000 мкм, 35% - 550-700 мкм, қолганлари 500 мкм га яқин баландликка эга бўлди. Ёнбош ичакда ворсинкаларнинг 85%ни баландлиги 250 - 380 мкм ни ташкил қилди.

Светооптик препаратларда назорат гуруҳи каламушларида ворсинкалар бармоқсимон шаклга эга ва уларнинг узунлиги  $778 \pm 24$  мкм га тенг. Кўндаланг кесмада уларнинг сони  $64,5 \pm 3,6$ га тенг бўлди. Ворсинкаларнинг юзаси баланд призматик жиякли эпителий билан қопланган. Уларнинг баландлиги  $25,2 \pm 0,6$  мкм га тенг бўлган ҳолда бир томонда уларнинг юзаси  $86,2 \pm 3,4$  га тенг (2-жадвал). Ворсинкалардаги энтероцитларнинг умумий сонига нисбатан эпителийро лимфоцитларнинг улуши  $21,4 \pm 0,8\%$ ни ташкил қилди.

Оч ичакнинг кўндаланг кесмасида крипталар сони  $64,5 \pm 3,6$ га тенг бўлди, яъни кесмада бир ворсинкага нисбатан крипталарнинг абсолют сони ўртача 2,6 марта юқори бўлди. У вақтда, оч ичак шиллик пардасининг майдон

бирлигида бир ворсинкага ўртача 7 крипта тўғри келади. Агар криптанинг бўйлама кесмаси кўрилса, унинг мазкур қисмида 3-4 Панет ҳужайралари, пастки қисмида – митотик бўлинувчи ( $24,1 \pm 0,8\%$ ), юқори қисмида дифференциалланувчи – жиякли ва қадахсимон ҳужайралар фарқланади. Агар крипталарнинг бўйлама ва кўндаланг кесмаларида эпителиоцитлар сони мос равишда  $40,3 \pm 1,2$  ва  $20,3 \pm 1,4$ га тенг бўлса, у ҳолда уларнинг умумий сони ҳар бир ўртача криптада ўрта ҳисобда 800 ҳужайрани ташкил қилади. Криптадаги эпителиоцитларнинг баландлиги унинг асосидан юқорисигача секин-аста ошиб боради, унинг ўрта учдан бир қисмида ҳужайраларнинг баландлиги  $18,1 \pm 0,3$  мкм га тенг. Нисбатан юпқа мушак пластинкасига тегиб турувчи крипта тубидан ворсинка асосигача бўлган оралик  $260 \pm 11,2$  мкм га тенг. Назорат ҳайвонларида оч ичакнинг крипта-ворсинка индекси (крипта узунлигининг ворсинка баландлигига нисбати) ўртача 1:2,24ни ташкил қилади.

3 кундан сўнг номутаносиб овқатланиш натижасида оч ичакнинг кўндаланг кесмасида ворсинка ва крипталар сонининг сақланиши билан ворсинкаларнинг баландлиги ўртача 12,6% га қисқарди ( $P < 0,05$ ; 2-жадвал). Улар билан структур ва функционал алоқада бўлган крипталар атиги чуқурлашиш тенденциясига эга бўлди. Бироқ, ворсинка ва крипталар сонининг нисбати (1:7,8), крипталарда эпителий ҳужайраларининг 843 тага ошишини эътиборга олиб, крипта-ворсинка тизимида пролиферация, дифференцировка жараёнлари, ворсинкалар юзасида экстрюзия жараёнлари сезиларли ошди. Митотик фаолликнинг 12,4%, крипталарнинг эпителий ҳужайралари сонини 843 тагача ошишига қарамай, ворсинкаларнинг баландлигини пасайишига мос равишда эпителиоцитларнинг сони назорат гуруҳига нисбатан ўртача 12,8%га камайди ( $P < 0,05$ ).

Бармоқсимон (асосан), кам ҳолларда баргсимон ворсинкаларнинг юзаси (2-расм) баландлиги  $25,0 \pm 0,8$  мкм (назоратда  $25,2 \pm 0,6$  мкм;  $P > 0,05$ )ли баланд призматик жиякли эпителий билан қопланган. Улар орасида қадахсимон ҳужайралар аниқланади. Уларнинг сони тажрибанинг 3 кунда назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ўртача 12,5% ошди ( $P < 0,05$ ). Крипта-ворсинка тизимида кечувчи жараёнларнинг номутаносиблиги туфайли шиллик парда индекси 2,24 дан 1,85 гача камайди (2-жадвал).

Оқсил билан нотўғри овқатланиш оч ичакнинг шиллик пардасида 7 кунлик муддатда 3 кунлик муддатга нисбатан янада кучлироқ структур ўзгаришларни чақирди. Динамикада аъзонинг кўндаланг кесмасида ворсинка ва крипталар сонининг камайиши тенденцияси ( $P > 0,05$ ; 3-жадвал) билан аъзонинг шиллик пардаси қалинлиги ишончли камайди (8%га;  $P < 0,05$ ). Оч ичакнинг шиллик пардаси атрофияси жараёни ворсинкалар баландлигининг ўртача 14%га пасайиши туфайли юзага келади. Крипталарнинг чуқурлиги ишончсиз камайди ( $P > 0,05$ ).


